БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 296 (4395).
27 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Контролнинг ленинча принциплари ҳақида

«В. И. Ленин, КПСС ижрони контроль қилиш ва текшириш ҳақида» тўпламининг биринчи томи босмадан чиқди. Бу тўплам икки томда нашр этилади.

Китобга В. И. Ленининг ижрони контроль қилиш ва текшириш моҳияти, партиянинг ва партия раҳбар органларининг фаолиятида унинг аҳамияти тўғрисидаги асарлари киритилган. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг ҳужжатлари ва материаллари эълон қилинган. Булар партиянинг қабул қилинган қарорлар ижросини контроль қилиш ва текшириш масалаларига катта эътибор бераётганлигини тасдиқлайди.

Китоб партия ва совет аппарати, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ходимларига, кенг партия активига мўлжалланган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган, у «Красный пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

БУГУН

Республика Билимлар уйида «СССРнинг иқтисодий тараққиёти ва халқаро аҳвол» мавзуида лекторий машғулоти ўтказилди. Ана шу мавзуга бағишланган лекцияни «Билим» жамиятининг ходими М. Холматов ўқиди. Бу ерга ташриф буюрганлар нотиқнинг ҳозирги халқаро вазиятда тинчликсевар Совет мамлакатининг тутган ўрни ва роли ҳақидаги қизиқарли суҳбатини тинглашди.

Билимлар уйида бунга ўхшаш машғулотлар, лекция кечалари ҳамда учрашувларнинг ўтказиб турилиши бу ерга келаётганларни мамнун этмоқда.

Тошкентнинг яхшиёбос куни

⊙ МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА
ЛЕКТОРИЙГА МАРҲАМАТ

Шаҳримиз музейларидаги нодир экспонатларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Улар ҳақида қизиқарли ҳикоя тинглаш айниқса, мароқли.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи тасвирий санъат иҳлосмандларининг қизиқишини кўзда тутиб, дам олиш кунн лекторийси ташкил этган. Лекторий машғулотлари якшанба куни ўтказилади. Музей ходимлари тингловчилар учун «Санъат ва адабиёт» туркумидан ранг-баранг лекциялар ўқишади.

Эртага санъат музейига келсангиз, «Ҳамза Ўзбекистон рассомлари ижодида» мавзуидаги лекцияни тинглашингиз, ана шу лекцияга оид тасвирий санъат асарлари билан танишишингиз мумкин. Ундан сўнг санъат бўйича фильм намойиш этилади.

⊙ КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА
ҚАҲРАМОНЛИК МАДҲИ

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг кўргазмалар залига келган киши ҳеч қачон зерикмайди. Чунки бу ерда ҳамиша бирорта янгилик бўлади.

Мана, шу кунларда ҳам кутубхонада бир йўла учта кўргазма намойиш этиляпти. Булардан энг йириги КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланган китоб-иллюстрация кўргазмасидир. Китобларда совет кишиларининг ўнинчи беш йилликдаги қаҳрамонликлари мадҳ этилади. «Партия режаларини амалга оширамиз», «Жаҳонда тинчлик бўлсин», «Совет турмуш тарзи» каби бўлимларга турли соҳаларга оид мингдан ортиқ китоб қўйилган.

Шунингдек, эртага кутубхонага келсангиз «СССР—Ҳиндистон: дўстлик ва ҳамкорлик» ҳамда янги китоблар кўргазмаси ҳам сизга манзур бўлади.

⊙ КИНО ЭКРАНИДА
«ГУЛЛА, ЯШНА, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!»

Кичкинтойлар учун ихтисослаштирилган «Гунча» ва «Пионер» кинотеатрларида «Гулла, яшна, жонажон Ўзбекистон» кинофестивали ўтказиляпти. Фестиваль программасига «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаб чиқарилган фильмлар киритилган.

Кичкинтой томошабинлар «Инсон қуш ортидан боради», «Генерал Раҳимов», «Эртага чиқасанми?», «Аччиқ данак» каби фильмларнинг қаҳрамонларини айниқса, ёқтиришади. Эртага киносанъатнинг ёш ижлосмандлари фестивалнинг навбатдаги фильмларини кўришади. Болаларни экранда қизиқарли воқеалар, янги қаҳрамонлар кутяпти.

⊙ ДАМ ОЛИШ
ТОҒ БАҒРИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчиларнинг кўнгилдагидек дам олишлари учун барча шароит яратилмоқда. Бугун ва эртага бирлашманинг 30 дан ортиқ ишчиси Чимён тоғ бағрида дам олишга боришади. Бирлашма касаба союз комитетининг раиси Валентина Яковлевна Тельяновнинг хабар қилишича, шу йилнинг ўзида 2, 6, 7, 4-цехлардаги ишчилар йигирма мартадага Чимён тоғ бағрида ҳордиқ чиқариб қайтишди. Бу сафарги дам олишга ишчилар билан бирга уларнинг оилалари ҳам боришади. Дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

Якшанба кунлари шаҳримиздаги бир қанча корхона ва ташкилотлардан ҳам ўнлаб дам олувчилар Чимёнга чиқишади. «Сигнал» бирлашмаси ва Тошкент политехника институтининг студентлари бу сафарги дам олиш кунларини тоғ бағрида ўтказишади. Улар учун саёҳат ва экскурсиялар бюроси ўндан ортиқ автобус ажратди.

Шаҳримизда кунлар иссиқ. Янги йил кириб келаётганлиги ҳатто сезилмайди ҳам. Чимёнда эса ҳаммаёқда оппоқ қор—чинакам қиш.

СУРАТДА: чанғичилар Чимён этагида.
Е. Васильева фотоси.

⊙ САЁҲАТ — РОҲАТ
ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН КЎРА...

«Биз республикангиз пойтахтини Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бири деб атай оламиз», дейишмоқда Перм, Краснодар, Уфа ва Олмаота шаҳарларидан келган меҳмонлар. Саёҳат ва экскурсиялар бюроси мамлакатимизнинг ана шу шаҳарларидан келган 40 туристни шаҳримизнинг энг кўркам, диққатга сазовор жойлари билан таништиришни давом эттирмоқда.

Бу туристлар илғор ишчилардан бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари адо этганликлари учун Урта Осиёнинг энг кўркам шаҳарларидан бирига икки кунлик сафарга келдилар.

XXVI ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

• АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА | • ЎН САККИЗИНЧИ ЗАРБДОР ҲАФТА ЯКУНЛАНМОҚДА | • БАРЧА РЕЗЕРВЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ИШ ВАҚТИНИНГ РЕЗЕРВЛАРИ

БУГУН

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1980 йил планини бажарди. Топшириққа қўшимча 600 минг сўмлик буюм тайёрланди.

Бирлашма бош директори Шоира Собировна Аҳмадалиеванинг кабинетида бугун эрталаб корхона ва цехлар раҳбарлари тўпланадилар. Олатлаги шанба бўйича КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилган ўн саккизинчи зарбдор ҳафтанинг натижалари якунланди. Ниҳилганлар йиллик план бажарилганлиги ҳақидаги хабарни қаноат билан кутиб олдилар. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан биринчи цехнинг меҳнатчилари ҳафталикнинг ғолиби бўлдилар. Цех бошлиғи М. Солиев қутлов ва пул мукофотини қабул қилиб олди. Шу коллектив ҳафталикда беш йиллик планни ҳам бажарган эди.

Сўнгги зарбдор ҳафта якунларини корхона партия ташкилотининг секретари **Абдуқаҳҳор Абдураимович Абдураимов шарҳлайди.**

— Бирлашма ишчилари зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимиз коммунистларининг анжуманига муносиб армуғонлар ҳозирлаш мақсадида улар июль ойидаёқ беш йиллик топшириғини бажаришган эди. Корхона коллективи эришилган сурьатни бўшаштирмаётир. Ялпи маҳсулот тайёрлаш бўйича ҳафталик план ўн минг сўмлик ошириб бажарилди. Ой бошидан бўён ҳаммаси бўлиб. 3 миллион 272 минг сўмлик буюм ишлаб чиқарилди. Бу план топшириғидан ортиқдир.

Ҳафта давомида соф маҳсулот тайёрлаш 65 минг сўмни, бир ойда эса 287 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳам пландагидан кўпдир. Ёқилғи — мойлаш материаллари кўплаб тежалди, материалларни оқилона бичиш натижасида кўплаб газлама тежаб қолинди.

Кўпгина ишчилар бу ҳафтада яхши меҳнат қилишди. Ўтган етти кун ичида В. Казакова, М. Иззатуллина, М. Мадаминова, Р. Габдулҳақова бошлиқ бригадалар беш йиллик планларини бажаришганлиги тўғрисида рапорт беришди. 65 киши беш йиллик топшириғини уддалади. Бирлашма бўйича 300 дан ортиқ ишчи бу маррани эгаллаган.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига қабул қилган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси коллективимизда янги ижодий активликни авж олдириб юборди. Бирлашмада бу муҳим ҳужжатни муҳокама қилишда корхонамизнинг тўрт илғори ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Коммунистлар, шаҳар партия комитети аъзолигига кандидат Жонон Зоҳидова, Арофат Ҳамидова, комсомол аъзолари Раиса Шокирова ва Лилором Пўлатова 1984 йилнинг октябрида республикамизда кенг нишонланадиган Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Бирлашманинг 250 ишчиси бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТИБ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси ишчилари социалистик мусобақани авж олдириб, партия XXVI съезлини меҳнатда муносиб тухфалар билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фабрикада, айниқса, тўқувчи С. Юсуповга катта ҳурмат-эътибор билан қаралади. У «КПСС XXVI съездига— 26 зарбдор ҳафта» ташаббусининг актив иштирокчиси ҳамда социалистик мусобақа ғолибидир. С. Юсупов беш йиллик планни октябрь ойида бажариб, 1981 йил ҳисобига маҳсулот топшира бошлаган эди.

БУГУН

пешқадам ишчи С. Юсупов пландан ташқари тўқиб чиқарган газлама 30 минг метрдан ошиб кетди.

КОЛЛЕКТИВ АҲДИ

Шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш трестига қарашли 127-автобазада ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Бу ҳаракат натижасида ҳамда ҳайдовчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли автомобиль корхонаси беш йиллик планни муддатидан икки ой олдин бажарди. Бу йил ихтирочилар томонидан 19 таклиф киритилиб, шулардан 16 таси жорий этилди.

БУГУН

ана шу ихтиролардан олинган даромад ва фойда 6 минг сўмдан ошиб кетди. Корхона коллектива қўшимча мажбуриятни коммунистлар анжумани очиладиган кунда бажарадн.

Чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахталар уюшқоқлик билан ўтмоқда.

СУРАТДА: съездолди меҳнат вахтасида баракали меҳнат қилаётган 5-цехнинг ёш чевар ишчиларидан (чапдан ўнгга) КПСС аъзолари Маъсуда Раҳматуллаева ва Зулфия Қўчқорова ўртоқлар. Бу дугоналар ҳозир келаси йилнинг февраль ойи топшириқларини адо этмоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

• *Ҳамшаҳарлар. Сизлар учун*

ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАСИ

РЕПОРТАЖ

Байрам арафасида республикамиз пойтахтида барча областларда етиштирилган нознеъматлар ярмаркасини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу сафар ҳам Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона области далаларида етиштирилган шириншакар мевалар Тошкентга келтирилди.

КЕЧА

пойтахтимиздаги Дзержинский майдонида, Юнусобод, Фарҳод, Октябрь бозорларида, «Ҳамза» метро станцияси ёнида, тўқимачилик комбинати атрофида ана шу областлардан келтирилган ноз-неъматлар сотила бошланди.

Дзержинский майдони байрамдагидек безатилган. Бу ерда «Ташплодоовощ» бирлашмасининг улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли магазинларга шолғом, беҳи, олма, турп, сабзи, картошка ва шу каби дала неъматлари билан бирга ёнғоқ, асал каби маҳсулотлар сотилмоқда. Бу ерда фақат кечанинг ўзида 166 тоннадан ортиқ ҳар хил ана шундай неъматлар сотилди. Октябрь район улгуржи-чакана савдо идораси бошлиғининг ўринбосари А. Холматов билан суҳбатлашамиз.

— Беш кун давом этадиган бу сафарги ярмаркада, — дейди у, — азиз ҳамшаҳарларимиз учун энг сархил мева ва сабзавотларни олиб чиқдик.

Харидорлар олма, турп ва бошқа шу каби сабзавотларни ҳарид қилиб мамнун бўлишмоқда.

Бу ердаги ярмаркада Киров, Ленин, Куйбишев район ошхоналар трести ўз маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда. Улар ҳар хил ширинликлардан бир қанча турдаги кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқишган. Ярмаркада 200 киши га мўлжалланган стол ясатилган бўлиб, бу ерда С. Усмонов, А. Ниёзов каби Киров район ошхоналар трестига қарашли 1-чойхонанинг ошпазлари ош сотишмоқда.

Шаҳримиздаги майдонларда ташкил этилган ҳар бир ярмаркада харидорлар учун ана шундай қулайликлар яратилган. Кеча азиз ҳамшаҳарларимиз з г а Андижон области 150 тонна, Бухоро области 145 тонна, Жиззах области 150 тонна, Сурхондарё области 300 тонна, Сирдарё области 125 тонна, Фарғона области эса 175 тонна маҳсулот сотди. Шаҳримизда анъанага айланиб қолган бу байрам савдоси 30 декабргача давом этади.

Р. НУРИЛЛАЕВ.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари «КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси ҳақидаги қароридан Ленин район партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Чурсин доклад қилди.

Пленум қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитети лойиҳаси бутунлай ва тўла-тўкис маъқулланди ва район партия ташкилотининг ўн биринчи беш йилликка вазифалари белгиланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ва шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири И. Г. Чиженок иштирок этдилар.

ЯНГИ ПРОГРАММА

БУГУН

Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйи қошидаги дуторчи қизлар ансамбли коллективи янги йил байрами кунларида бериладиган концерт программаси устида тайёргарлик ишларини нихоясига етказди.

25 нафар дуторчи қиалардан иборат мазкур ансамблнинг байрам репертуарида классик куй ва қўшиқлар билан бирга замонавий шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган яллалар, лапарлар мавжуд.

САЙҚАЛ БЕРИШ ҚИЗҒИН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 6-трестига қарашли 70-бошқарманинг қурувчилари мактабгача болалар муассасалари қуриш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

БУГУН

дойберднев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари қуришди. Қорақамиш массивида қурилган бу боғча биносига айни пайтда 29-трестнинг пардозлаш бригадалари қизғин сайқал бермоқдалар.

МАРРАГА ЕТИШДИ

Бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи чеварлари корхонадаги социалистик мусобақада олдинги ўринларни эгаллаб келяпти. Цехда йил бошидан бери 2 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, якунловчи йил учун белгиланган топшириқ муддатидан аввал адо этилди.

Шу кунларда цехда КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақа авж олмоқда: Тўртта бригада бу шонли санага қадар биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилган. Цех коллективи кабул килган мажбуриятда биринчи квартал планини муддатидан ўн кун аввал бажариш қайд этилган. Яқинда бу ерда «Нозик» деб аталган болалар дўпписи ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу кунгача бу дўппидан 3 мингдан ортиғи савдо тармоқларига чиқарилди. Янги маҳсулотни тез ва соз ўзлаштиришда цех бошлиғи Маъбуда Аъзамова раҳбарлигидаги бир гуруҳ қўли гул чеварлар катта ғайрат ва шижоат кўрсатишди.

ТЕЗ ВА СОЗ

Пойтахтимиздаги 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида 3 миллион 950 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилганди. Кунекча коллектив бу ваъдасини муваффақиятли бажарди. Чеварларнинг ўнинчи беш йиллик бошидан бери тайёрлаб, республика савдо тармоқларига жўнатган маҳсулотлари эса 21 миллион сўмликдан ошиб кетди. Корхона чеварларн катталар ва болаларнинг кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Коллективда ўнинчи беш йиллик мобайнида меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш бўйича кўп ишлар қилинди. Натижада ойлик ва квартал планлари социалистик мажбуриятларнинг мунтазам ортиғи билан бажарилиши таъминланди.

Шу кунларда цехларда КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро меҳнат беллашуви қизимоқда. 21—23 йилдан бери чеварлик қилаётган Р. Бойдаева, М. Тўрабековалар унумли ва сифатли меҳнат қилишда барчага намуна бўлишяпти. Улар изидан бораётган Ф. Умербоева, М. Шукурова, Г. Абдурасуловалар ҳам меҳнатда салмоқли ютуқларни қўлга киритишяпти.

• *Волейбол*

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛГАНДА

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейбол бўйича олий лигада қатнашаётган коллективлар ўртасидаги баҳслар тобора кескинлашмоқда. Навбатдаги ўйинни ҳамшаҳарларимиз — «динамочилар Бауман номли Москва олий техника билим юртининг волейболчилари билан ўтказишди.

Учрашувни тошкентлик спортчилар яхши бошлашди. Биринчи партияда улар рақибларига фақат саккиз очко тўплаш имконини беришди, холос. Лекин иккинчи бўлимда вазият ўзгарди. Тўп узатишда, кучли ҳужум уюштиришда меҳмонлар ўзларини кўрсатдилар. Дастлабки дақиқалардаги устунликни улар партиянинг охирига қадар қўлдан беришмади. Шундай қилиб, ҳисоб тенглашди. Кейинги партияларда ҳам майдондаги аҳвол жиддий ўзгариб турди. Ғолибни аниқлаш учун бешинчи партияни ўтказишга тўғри келди. Бу сафар тошкентликлар уюшқоқлик билан ўйнаб, ғалабани қўлга киритишди. Шуни айтиш керакки, бу тошкентликларнинг олий лигада эришган иккинчи ғалабасидир. Агар ҳамшаҳарларимизнинг кучли коллективлар билан икки марта учрашув ўтказганлигини ҳисобга олсак, бу ғалабаларнинг моҳияти жуда катта эканлиги маълум бўлади.

«Меҳнат» сув полочилари ҳужумда.

Р. Загратдинов фотоси.

• *Сув полоси*

Кураш кескинлашмоқда

Сув полоси бўйича олий лига коллективлари орасида баҳс юритаётган «Меҳнат» командаси навбатдаги учрашувни Олмаотанинг «Динамо» коллективи билан ўтказди. Маълумки, ҳамшаҳарларимиз аввалги турда ғалабани қўлга киритиб, активларига икки очко ёзишга муваффақ бўлишган эди. Улар ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаш ниятида зангори майдонга тушишди.

Спортчиларимиз мақсадга эришиш учун мояланиш ва кутилмаганда шиддатли ҳужум уюштириш усулига амал қилдилар. Натижада улар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Лекин динамочилар ҳам бўш келишмади. Улар иккинчи ва учинчи бўлимларда вазиятни тенглаштиришга эришдилар. Тўртинчи — ҳал қилувчи бўлимда эса мезбонларнинг дарвозасини нишонга олиб, учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилишга муваффақ бўлишди.—6:5.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ҳамза райони саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш бўйича 1980 йилнинг ўн бир ойлик планини 102,2 процент, Куйбишев райони 101,1 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини эса 101,7 ва 101,3 процент адо этдилар; умумий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 109,2 ва 103,1 процентларни ташкил этди.

Ҳамза райони меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,7 процент, Куйбишев райони 101,2 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,4 ва 101,7 процентларни ташкил этди. Шу билан бирга Ҳамза районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 81,5 процент ўсишига, Куйбишев районида эса 58 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Мусобақадош районлардаги барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бири —маҳсулот реализация қилиш топшириқларини уддаладилар. Бироқ, Ҳамза районидаги 5 корхона, Куйбишев районидаги битта корхона ишлаб чиқариш ҳажми бўйича олинган планни бажаролмади. Ҳамза районидаги 5 та корхона, Куйбишев районидаги битта корхона эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини уддалолмади.

Ҳамза райони саноат корхоналари январь—ноябрь ойларида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш планини 7,7 процентга, Куйбишев райони эса планга нисбатан 0,6 процентга ошириб адо этди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 ва 1,0 процентларга кўпайди.

Ҳамза районида 8 цех, 6 участка, 31 бригада (346 ишчи), Куйбишев районида 7 цех, 11 участка, 16 бригада (539 ишчи) ўтган ой планини бажаролмади.

Ҳамза районида ўн ойлик қурилиш-монтаж ишлари (марказлашган молиявий манбалар) плани 85 процент, Куйбишев районида эса 86 процент бажарилди. Мусобақадош районларнинг қурувчилари январь—октябрь ойларида турар жойни фойдаланишга топшириш топшириқларини нисбатан 72 ва 109 процент адо этдилар.

Ёг-мой комбинати, «Ташсельмаш» заводи, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор участкалари ва бригадалари, энг пешқадам ишлаб чиқариш илғорлари 1981 йилнинг биринчи квартал плани — 23 февралгача — КПСС XXVI съезди очилиш кунигача» ташаббусининг ижодкорлари бўлдилар.

Мусобақадош районлар бу йил сезиларли ютуқларга эришдилар. Январь— ноябрь ойларида ҳамзаликлар пландан ташқари 18 миллион сўмлик, куйбишевликлар эса 5,2 миллиондан зиёд маҳсулот реализация қилдилар. Мамлакат халқ хўжалиги улардан ўн бир ойлик планга қўшимча кўплаб самолётлар, тракторлар, «зангори кема»лар, пахта тозалаш машиналари, кабель маҳсулотлари, газ аппаратлари, приборлар, турли хил кенг истеъмол буюмларини қабул қилиб олди.

Ҳамза район меҳнаткашлари ўзларининг социалистик мажбуриятларига қўшимча юз минг сўмликдан зиёд маҳсулот бердилар. Бунда «Ташсельмаш», «Ташэлектромаш», Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари, 1-уй, синтетик ювиш воситалари заводлари, 2 ва 4-дон маҳсулотлари комбинатлари коллективларининг ҳиссалари катта бўлди.

Ўтган ўн бир ой мобайнида «Ташсельмаш» ликлар 8404 та пахта териш машинаси, тайёрлаб бердилар. Шундан 134 таси пландан ташқари ишлаб чиқарилди. Корхонадаги энг тиғиз иш дамларида йиғув цехидан бирорта брак маҳсулот чиқарилмади. Корхона бу йил бирорта ҳам рекламация олмади.

«Ташэлектромаш» заводи ҳам ўн бир ой мобайнида ўн миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилди. Ана шу маҳсулотнинг 85,5 процентини давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган трансформаторлар ва бошқа электр мосламалари ташкил этди.

Мусобақадош районлар беш йилликнинг сўнгги йилида меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бирмунча ўстиришга муваффақ бўлдилар. Айниқса, бу борада кенг истеъмол буюмлари тайёрланаётган корхоналарда синтетик ювиш воситалари заводида, упаэлик, мебель ойналари фабрикаларида катта ишлар амалга оширилди. Ҳар икки район ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати бўйича олинган топшириқларни ошириб бажарди ва мана шу муҳим техника-иқтисодий кўрсаткич бўйича ўн бир ойлик планни ортиги билан адо этди.

Бироқ, районларда шундай корхоналар борки, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойликка белгиланган планларини уддалай олмадилар. Қолоқлик бундан бир неча ой муқаддам бошланган бўлиб, у асосан ишлаб чиқаришни моддий-техника таъминоти жиҳатидан ёмон таъминланганлиги билан боғлиқдир. Жумладан, худди шундай сабабга кўра 2-ёғочни қайта ишлаш заводи қарийб ярим миллион сўмлик, Қўйлиқдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи эса қарийб ярим миллион сўмликдан зиёд, 1-уйсозлик комбинати 920 минг сўмлик, 6-темир-бетон буюмлари заводи 600 минг сўмлик ялпи маҳсулот беролмадилар. Ҳамон шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг металл фурнитура заводи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини ўлда-жўлда қолдирмоқда. Чунки бу ерда меҳнатни ташкил этиш паст даражадалигича қолянти.

«Ташавтоматк а», газ аппаратлари, экскаватор заводлари, «Энергостройин д у с т р и я» ишлаб чиқариш бирлашмаси, қоғоз фабрикаси, санитария-техника жиҳозлари тажриба экспериментал заводи ва бошқа бир қатор корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ҳажмларини қисқартириб юбордилар.

Ҳар икки район ҳам шерикларига маҳсулот етказиб бериш плани бўйича каттагина қарзга эгадирлар. Ҳамза райони 6 миллион сўмлик, Куйбишев райони 11,4 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб беролмади. 22 та корхонада ёмон одатга айланган «тажриба» — турдош корхоналарнинг ишини ортга сурраш одати ўрнашиб қоляпти.

Куйбишев районининг кўпгина корхоналарида маҳсулот танқархининг қимматлаштирилишга йўл қўйилляпти. Фақат ўтган ўн ой мобайнида бу ерда товар-маҳсулот танқархини 2.5 миллион сўмликдан зиёдга қимматлашишига йўл қўйди. Жумладан, бундай катта ортиқча харажатга «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор, экскаватор, лак-бўёқ заводлари ва бошқа корхоналар йўл қўйдилар.

...Районларнинг кўплаб корхоналари шу кунларда йиллик планларини ва КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажараётганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Бироқ, шундай коллективлар борки, мажбурият қабул қилгани билан уни мутлақо амалга оширишмайди. Уларнинг белгилаган режалари қоғоздалигича қолиб кетяпти. Албатта бу умумий натижаларга таъсир қилмай қолмайди. Масалан, шундай коллективларнинг айби билан Куйбишев райони меҳнатчиларн ўн бир ой мобайнида социалистик мажбуриятларига кўра 137 минг сўмлик маҳсулот беролмадилар. Чунки, бу корхоналарда кўпгина ишлаб чиқариш резервлари ишга солинмаяпти.

• *Муносиб ворисларни тайёрлайлик*

Қурувчилар маскани

«Халқ хўжалигини ишчи кадрлар билан тўлдиришнинг жуда муҳим манбаи сифатида ҳунар-техника ўқув юртлари тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилсин. Шу ўқув юртларида тайёрланадиган малакали ишчилар 1981—1985 йиллар мобайнида 13 миллион кишига етказилсин; ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилсин».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Республикамиз пойтахти —Тошкент шаҳри кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлари жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар. Қурилиш ҳажми кўпайиб бораётганлиги учун қурувчиларга бўлган талаб ҳам кундан-кунга ошиб бораяпти.

Қурилиш касбидаги ишчиларга бўлган талабни қондириш мақсадида Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети «Главташкентстрой» базасида янги билим юрти ташкил қилди.

Шу пайтгача 22, 40, 63, 158, 171-билим юртлари ҳар йили қурилиш ташкилотлари учун 1500 га яқин малакали қурувчи тайёрлаб бермоқда эди. Энди билим юртларида қурувчи касбини ўрганиб чиқаётган мутахассислар сони яна кўпаяди.

Бу янги билим юрти шаҳримизнинг янги турар жой массивларидан бири— Юнусободда қурилиб ишга туширилди.

216-ҳунар-техни к а билим юрти бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, йўл қурилиш машиналарини ремонт қиладиган слесарлар, қурилиш электрослесарлари, конструктор-монтажчил а р ва автомобилларнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарларни тайёрлаб чиқаради.

Ўқишга фақат тошкентликларгина қабул қилинмай, балки республикамизнинг ҳамма областлари ва шаҳарларидан 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли ўғил ва қизлар ҳам олинмоқда.

Ўқувчилар танланган касбини пухта эгаллаши учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Улар ётоқхона, кунига уч маҳал иссиқ овқат, форма кийимлари, махсус кийимлар билан таъминланадилар. Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда стипендия берилади. Булардан ташқари барча ўқувчилар билим чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг ярмини мукофот тариқасида оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар учун махсус группа ташкил этилган. Билим юртида ихтисослаштирил г а н ўқув кабинетлари ва лабораториялар мавжуд. Ишлаб чиқариш таълими мастери ҳунар-техника билим юртида асосий фигурадир. Унга катта талаб ва масъулият юклатилган. Ҳунар-техника билим юртларида нечоғли малакали мутахассислар тайёрлаб чиқариш ана шу мураббийларга боғлиқ.

«Ишлаб чиқариш мастери амалий машғулотларни юксак ғоявий савияда, техник ва методик жиҳатдан юқори даражада олиб бориши лозим. Айни чоғда ўзи ўқиётган группа ўқувчиларини маҳорати ва янгиликларидан хабардор этиб бориши лозим...» — Бу сўзлар инженер-педагог ходимларнинг малакавий характеристикасида ёзиб қўйилган.

216-билим юртида ишлаётган ишлаб чиқариш мастерлари фақат малакали мутахассисгина бўлиб қолмай, балки тажрибали педагог ва мураббийлардир.

— Алижон Худойбердиев, Турсунқул Маматқуловлар шундай мастерлардандир. Улар билан бир қаторда Эргаш Калонов, Нодир Муҳамедов каби ёш мастерлар ўқувчиларнинг ҳунарини пухта эгаллашида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар,— дейди билим юрти директори Йўлдош Ҳидоятов.

СССР тарихи фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Нуриддин ака Насриддиновнинг педагогик маҳорати билим юртида ўзларининг педагогик фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчилар учун ўрнак ҳамда маҳорат мактаби бўлмоқда.

— Ўқувчилар қурувчилик касби билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат олиб олий ўқув юртларига ўз ихтисослиги бўйича кириб ўқишлари мумкин. Аълочи ўқувчиларга эса институтларга кириб ўқиши учун йўлланма берилади,— дейди билим юртининг директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Владимир Иванович Дъяков.

Билим юртини битирган қурувчилар «Главташкентстр о й»нинг қурилиш трестларига ишга юборилади. Улар осмонўпар бинолар, мактаб ва боғчалар қурилишида ўз ҳунарларини намойиш этадилар!

Т. ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА: ҳунар-техника билим юрти.нинг умумий кўриниши; билим юрти ўқитувчиси Асатулла Абдувалиев электротехникадан машғулот ўтказмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

СУРАТДА: Тошкент экскаватор заводининг силлиқловчиси Абдувоҳид Маҳмудовни кўриб турибсиз. Бу илғор ишчи КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган. В. Сироткин фотоси.

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ГАВАНА. Озодлик оролида иш ҳақининг ялпи ислоҳоти муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ислоҳот миллий экономикани планлаштириш ва бошқаришнинг янги системасига кўчириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ шу йилнинг июль ойидан буён ўтказилмоқда. Бу қарорлар Куба Компартиясининг 1 съездида қабул қилинган эди. Заводлар, давлат хўжаликлари ва муассасаларнинг янгидан-янги коллективлари ҳозирдаёқ иш ҳақи ислоҳотини ўтказдилар. Моддий рағбатлантириш принципининг жорий этилиши, баҳоларни нормалаш ва қайта кўриб чиқиш жараёнининг жадаллаштирилиши, меҳнат унумдорлигини оширишга ва унинг сифатини яхшилашга олиб келмоқда. 1

ПРАГА. Чехословакия Социалистик Республикаси пойтахтининг метросозлари йиллик планни қарийб 20 процент ошириб бажардилар. Метро қуришда иштирок этган барча қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари ўртасида бошланган кенг кўламдаги социалистик мусобақа давомида ишчилар ва инженерлар зарбдорларча меҳнат қилганликлари учун бундай муваффақиятга эришилди.

1980 йилнинг 7 ноябрида Прага марказини йирик қурилиш райони бўлган шаҳар жанубий билан боғловчи линия фойдаланишга топширилган эди. 19 декабрда эса ер ости магистралларидан навбатдаги «Тинчлик майдони» станциясидан «Желевский» станциясигача бўлган қисми ишга туширилади.

БУДАПЕШТ. Венгрия меъморчилигининг энг катта ёдгорликларидан бири—Мошонмадьяроварда г и ҳ қалъа ва саройи таъмир қилиш ишлари тугалланди. Мутахассисларнинг мураккаб ва сермеҳнат ишлари туфайли бундан 800 йил муқаддам барпо этилган қадимий архитектура ансамбли батамом қайта тикланди, қалъа деворлари ҳам мустаҳкамланди.

.30 гектарга яқин майдонни эгаллаган Мошонмадьяроварда г и ноёб ансамбль томошабинлар учун яна ўз эшикларини кенг очиб қўйди.

* * *

РИМ. Шу йил 23 ноябрда Италияда юз берган кучли зилзила ҳамон ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўтган кечаси Неаполда XVIII аср ўрталарида қурилган собиқ қирол саройининг бир қисми қулаб тушди.

Саройдаги қарияларнинг бошпанасида яшовчи бир неча киши девор бўлаклари остида қолди.

Ноябрь ойида бўлиб ўтган табиий офатдан зарар кўрган шаҳар марказидаги бу бинони муниципалитет вакиллари келиб кўришмоқчи ва унинг қандай ҳолатда эканлигини аниқлашмоқчи эдилар.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон пойтахтининг аҳолиси салкам 5,8 миллион кишини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисобича, 2000 йилга бориб Деҳли аҳолиси икки баравар кўпайиши мумкин. Мамлакат ҳукумати Калькутта, Бомбей, Деҳли, Мадрасда аҳоли ғоят кўпайиб кетганлиги натижасида вужудга келган жиддий социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга онд тадбирлар кўрмоқда. Жумладан, аҳолини маълум даражада тенг тақсимлаш мақсадида кичик шаҳарларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

* * *

МАНАГУА. Никарагуанинг Атлантика соҳилидаги Тасбапоуни ҳинд жамоаси аҳолисининг хонадонларида электр чироқлари порлади. Корн-Айленд оролида ва Де—Лас-Перлас атрофидаги поселкаларда электр линиялари ўтказиш ишлари тугалланмоқда.

Бу ишлар ниҳоясига етказилгач, сомоса ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг энг қолоқ райони бўлган бутун Атлантика соҳилида электр таъминоти анча яхшиланади.

* * *

САН-ФРАНЦИСКО. Лонг-Бич шаҳрида чиқадиган «Пресс-телеграмм» газетаси қуйидагиларни ёзади: Лос-Анжелес ва унинг атрофларидаги шаҳарлар касалхоналарида ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатилмаганлиги сабабли ҳар йили 500 дан тортиб 1000 кишигача ўлмоқда. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, врачлар етишмаслиги, нотўғри диагноз қўйилганлиги, техника билан етарли таъминланмаганлиги, кўпинча эса касалхонага тушган кишилар тақдирига бепарволик билан қараш натижасида ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлган беморларнинг 50 проценти ўлиб кетмоқда.

Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

МАГАЗИНЛАРДАГИ СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг маҳсулот сифати Давлат инспекцияси ва «Тошкент оқшоми» газетасининг қўшма рейди

Ҳурматли редакция! Шаҳримиздаги озиқ-овқат магазинларига кириб қолсангиз пештахталарга чиройли қилиб териб қўйилган маҳсулотларнинг баъзилари сифати йўқолиб, харидорларга сотиш муддати ўтган ёки бўлмаса корхоналарда сифатсиз ишлаб чиқарилганлигининг шоҳиди бўласиз. Лекин сотувчилар муддати ўтиб, эскириб қолган ёки корхоналарда сифатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотни харидорларга бамайлихотир сотишаверади. Ахир, бу инсон саломатлиги учун зарар-ку. Наҳотки ана шундай эскириб қолган маҳсулотларни сотиш учун рухсат берилса!

Р. КОМИЛОВ, Е. ИСҲОҚОВА, Б. МУҲАМЕДОВ, Ю. УСМОНОВА ва бошқалар.

Ассортимент учун

Шимоли-Шарқ массивидаги Куйбишев райпишчеторгига қарашли 18-озиқ-овқат магазини харидорлар билан гавжум. Ҳар ким рўзғор учун керакли бўлган маҳсулотларни харид қилмоқда. Пештахталарга «Новость», «Ячменный», «Юбилейный» каби бир қанча турдаги ичимликлар, «Олтўри кисели» ва шунга ўхшаш маҳсулотлар териб қўйилган. Бу маҳсулотларнинг муддати текширилганда уларни харидорларга сотиш муддати икки ойдан етти ойгача ўтиб кетганлиги маълум бўлди.

—Нега шундай? —сўраймиз магазин мудирининг ўринбосари Ш. Мирзаҳўжаевдан.

—Омборхоналарда бундай маҳсулотлардан қолгани йўқ, бори шу. Ассортимент учун пештахтага териб қўйганмиз.

Магазин омборхоналарини айланганимизда бу ерда маҳсулотларни бир хил температурада сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлигини кўрдик. Бундан етти ой муқаддам Тошкент районидаги консерва комбинатида ишлаб чиқарилган шакарли олма ва қулупнай шарбатларининг 830 банкасининг бирортасида эти кетка йўқ. Бунинг устига банкалар эзилган, маҳсулот қоғоз яшчикларда сақланмоқда. Текширишлар шуни кўрсатдики, магазиннинг ўзидан сотиш учун мумкин бўлмаган ва муддати ўтган 639 сўмлик маҳсулот топилди ва ҳисобдан чиқарилди.

Чилонзор райпишчеторгига қарашли 6-озиқ-овқат магазинида бўлганимизда пештахталарда қоғоз қутилардаги макарон ва вермишеллар ҳар ёққа сочилиб ётарди.

—Бу маҳсулотларни бир чеккали қилиб, териб қўйиш мумкин эмасми?

—Ҳар куни териб қўямиз, — дейди магазин мудири И. Ляховецкий. —Барибир эртасига сочиб нетишади.

—Қутилар устидаги бир энлик чангга нима дейсиз?

—Ҳа, айтгандай, ҳозир...

Савдо залини айланганимизда бу ерда ҳам ўндан ортиқ маҳсулотларнинг харидорларга сотиш муддати ўтиб кетганлиги ва сифатини йўқотганлигини кўрдик. «Юбилейний» печеньеси этикеткасининг ўзиданоқ унинг сифати йўқолганлигини билиб олиш қийин эмасди. Ўтган йилнинг 2 апрелида ишлаб чиқарилган «Одмали кисель» сифатини йўқотган. «Тоқай» ва бошқа винолар «Жигули» пивоси харидорларга исталганча сотилмоқда.

«Экстра», «Дружба», «Юбилейний» каби бир қанча ичимликларнинг муддати ўтган. Лекин шаҳар эпидемиология станцияси шу йилнинг октябрь ойида бу маҳсулотларни лаборатория анализидан ўтказиб, сифати йўқолмаганлигини қайд этди. Нима учундир райпишчеторгнинг маҳсулотлар сифати учун жавоб берадиган товаршуноси мана икки ойдирки бу ҳужжатга имзо чекиб, тасдиқламаган. Бу маҳсулотлар харидорларга сотилиши мумкинми? Совет савдоси қоидасига мувофиқ мумкин эмас. Лекин магазин мудири И. Ляховецкий бу қоидага бўйсунмасдан ҳали тўла тасдиқдан ўтмаган маҳсулотларни сотишга чиқарган.

Фактлар шуни кўрсатадики, бу ердаги омборхоналарда ҳам маҳсулотларни сифатли сақлаш қоидаларига амал қилинмаётир. Бу магазинда 1730 сўм 80 тийинлик маҳсулот сифатини йўқотганлиги учун ҳисобдан чиқарилди.

Шуни айтиш керакки, жуда кўплаб озиқ-овқат магазинларида маҳсулотларни керакли температураларда сақлашга аҳамият берилмаётир. Натижада бу маҳсулотлар сифатини йўқотмоқда. Баъзи омборхоналар эса талабга тўла жавоб бермайди.

Шаҳримиздаги озиқ-овқат магазинларини айланганимизда муддати ўтиб кетган ана шундай маҳсулотларга дуч келинди. Магазин мудирлари, сотувчилар бу моллларни ассортимент учун олганликларини айтишади. Нега бўлмаса муддати ўтган бу маҳсулотлар харидорларга сотилади?

Ким айбдор?

Шаҳримиздаги район озиқ-овқат корхоналари омборхонасидан тарқатилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг республика улгуржи-савдо базасининг Тошкент улгуржи-савдо базасидан олинади. Ҳар бир базадан ва корхоналардан магазинга келтирилаётган маҳсулотлар сифати учун жавоб берувчи товаршуноси, магазин мудири томонидан текширишдан ўтказиб олиниши керак. Лекин товаршунослар ва магазинлардан маҳсулотларни қабул қилиб олувчи шахслар томонидан бу ишлар ўта совуққонлик билан, яхши текширилмасдан олинмоқда. Бўлмаса Чилонзор райпишчеторгига қарашли 6-магазин мудири И. Ляховецкийнинг «Тошкентвино» бирлашмасидан шу йилнинг 4 октябрида олган 53 яшчик винони сифатсиз бўлганлиги учун инспекция ходимлари томонидан ҳисобдан чиқарилмасди.

Корхоналар томонидан магазинларга келтирилаётган ҳар бир маҳсулот сифатининг яхшилиги ҳақида тасдиқ ҳужжати бўлиши керак. Ваҳоланки, бундай ҳужжатлар корхоналар томонидан ҳар доим ҳам берилавермайди. Чунки райпишчеторг товаршунослари, ўз навбатида магазин мудирлари бу ҳужжатни ҳар доим талаб қилишмайди. Натижада корхоналарда ишлаб чиқарилган баъзи сифатсиз маҳсулотлар ҳам сифатли маҳсулотлар билан қўшилиб ўтиб кетаверади.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотини магазинга қабул қилиб олишда асосан маҳсулот сифатига жавоб берувчи товаршунос, қолаверса магазин мудирлари ва магазиндан молни қабул қилиб олувчилар унинг сифати учун жавоб бериши керак. Лекин баъзи товаршуносларнинг совуққонлиги оқибатида магазинларга сифатсиз маҳсулот келтирилмоқда. Шаҳар савдо Бош бошқармаси раҳбарлари сифат учун жавоб берувчи товаршунослар устидан назоратни янада кучайтиришлари ва ҳар бир магазинда сифатли маҳсулот сотилиши учун ғамхўрлик кўрсатишлари керак.

Ф. СОТИМБОЕВА,
Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг маҳсулот сифати давлат инспекцияси бошлиғи.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

АҚШ. Реакция кучларининг активлашиши Америка жамоатчилигида жиддий ташвиш ва эътироз туғдирмоқда.

СУРАТДА: «Фашизмга йўл йўқ!» — Ниюнтаун (Пенсильвания штати)да ирқчиликка қарши намойиш қатнашчилари ана шундай талаб билан чиқдилар.

ТАСС фотохроникаси.

Қурғоқчилик ва гармселга қарши

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг кўпгина марказий ва жанубий штатларида қурғоқчилик ҳамон энг ҳалокатли табиий офатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳиндистон ҳукумати амалга ошираётган ер ости сув манбаларидан интенсив фойдаланиш программаси қурғоқчилик келтираётган нобудгарчиликни камайтиришда катта роль ўйнайди. Уни амалга ошириш натижасида яқин йилларнинг ичида 7 миллион гектар қурғоқ ерни экинзорга айлантириш мумкин бўлади. Шу программа доирасида ўтказилган тадқиқотлар Ҳиндистондаги буюк Тар чўли районида ер ости сув запаслари кўп деган назарияни тасдиқлади. Артезиан қудуқлар ковлаш ва узунлиги 500 километрдан ошадиган Ражастан қанали иккинчи навбатини қазиш бу ерда икки миллион гектар ерни суғоришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга, аҳолини кўпроқ иш билан таъминлашга имкон беради.

Ҳиндистон ҳукумати Ганг ва Брамхмапутра дарёлари сувининг бир қисмини Кришна, Годавари ва Кавери дарёлари ҳавзасига ташлаш лойиҳасини ҳам кўриб чиқмоқда. Бу нарса дарёларнинг сув балансини яхшилайди ва минглаб деҳқон далаларига сув беради.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ҳиндистон ирригация системасини ривожлантириш учун анча ишлар қилинди — 900 тадан кўп ирригация объектлари қуриб битказилди, суғорма ерлар майдони 52.2 миллион гектаргача кенгайтирилди. Катта-катта объектлар қуриш билан бир маҳалда каналлар, ариқлар ва қудуқлар каби кичик ирригация тармоқлари ҳам кенгайтирилмоқда.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ
27 ДЕКАБРЬ, 1980 й.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Гўзал аҳлоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабабчи бўлади, ҳар турли ёмонликдан қайтаради.

● Ўжар одам ўз фикрига ўзи эга эмас, балки фикри унга эгадир.

● Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кўзламайдилар, яхши одам эса ёмонларга ҳам яхшилик қилишни унутмайди.

● Манманлик, мутакаббирлик одамни хор ва беэътибор этади, тавозеъ ва мулойимлик улуғ мартабага еткизади, халқ орасида маҳбуб ва марғуб қилади.

● Сиринг ошкор бўлмаслигини истасанг, ҳеч кимга, ҳатто ишончли дўстингга ҳам билдирма, чунки сирингга ўзингдан кўпроқ ачинувчи бўлмайди.

● Донишманд Абу Язид айтади:
— Очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг, қаҳр, ғазабни тарк қилинг, шахсингизда бўлмаган сифат, хислат билан сизни мақтаган риёкор, мунофиқ одамнинг сўзига алданманг. Манманлик қилманг, ўзингизни бошқалардан юқори тутманг. Тўғри сўзланг, тўғри ишланг, очкўзлик, ҳарисликдан узоқда бўлинг.
Байт:

**Қаноатдир кўнгилларнинг сафоси,
Қаноат барча иллатнинг давоси.**

● Шайх Саъдий айтади:
Ҳикмат: — Энг аввал кийимга айрим нишон, белги қўйган ва қўлига узук таққан одам —қадимги Эрон шоҳи Жамшид эди. Унга: «Нима учун ҳамма оройиш ва зийнатни чап тарафга бердинг? Ҳолбуки фазилат ўнг тарафдадир», — деб айтдилар. Жамшид уларга: «Ўнг тарафга ўнглик зийнатининг ўзи кифоя қилади», — деб жавоб берди.
Ҳикмат: — Муҳаммад Ғаззолийдан:

— Бу қадар илмлар манзилига ва бу мартабага қандай қилиб етишдингиз?— деб сўрадилар.
Ғаззолий шундай деб жавоб берди:
— Билмаган, тушунмаган нарсамни уялмай ҳар кимдан сўрадим, сўрашдан ор этмадим.

Ҳикоят: — Бир улуғ шайхнинг ҳузурида» «фалон одам менинг ҳақимда нолойиқ сўзлар сўзлаб юрган» деб шикоят қилдим. Шайх менга: «Сен яхшилик қилиб уни уялтир», — деди.

● Яна Шайх Саъдий айтади:
Ҳикоят: — «Уғлумиш» номли султоннинг саройи эшиги ёнида қўшин бошлиғининг ўғлини кўрдим. Бу йигитнинг ақли-заковати ва фаҳм-идроки жуда юқори даражада эди. Болалик давридаёқ буюк белгилари унинг пешонасида зоҳир эди.
Сўзнинг қисқаси, бу йигит султонга маъқул бўлди, чунки у ақлу фаросатда ягона эди. Донишмандлар: «Бойлик мол-дунё билан эмас, ҳунар ва камол билан, буюклик ёш билан эмас, ақлу-фаросат билландир» деганлар.
Қўшиннинг бир неча бошлиқлари бор эди. Уларнинг ўғиллари бу заковатли йигитни кўролмадилар, бир хиёнат билан айблаб султонга уни ёмонлаб сўзладилар. Ўлдиришга султонни кўндириш учун ҳаракат қилдилар, лекин уларнинг иғволари фойда бермади, ҳаракатлари бекорга кетди.
Султон у заковатли йигитни ўз ҳузурига чақириб олиб:
— Нега улар сени кўролмайдилар, сенга бўлган хусуматларининг сабаби нима? —деб сўради. Йигит шундай жавоб берди:
— Сизнинг давлатингиз соясида қилган яхшилигим билан ҳаммани хурсанд қилдим. Ҳасадчи албатта, бунга рози бўла олмайди, фақат у менинг неъматимнинг заволга юз тутиши билан рози бўлади. Бошқаларнинг бахт-саодатини ҳасадчи асло кўра олмайди.
Байт:

**Эй ҳасадчи, ўлиб халос бўласан ушбу ранждан,
Унинг машаққатидан қутилиш ўлим иладир.**

● Жолинус ҳаким айтади:
— Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтождир: буюклик одоб бирла, хурсандлик хотиржамлик бирла, яқинлик дўстлик бирла ва ақл тажриба бирладир.

● Араб олимларидан Ибнулқайс айтади:
— Олти нарса бир кишининг жоҳил ва аҳмоқ эканига далолат қилади: ҳар кимни ўзига дўст ҳисоблаб, унинг сўзларига ишониш, фойдасиз, маъносиз сўзлар сўзлаб юриш, хайр-эҳсонни ўз жойига қилмаслик, сирини ҳар кимга айтиш, ким дўст, ким душман эканини ажрата олмаслик ва ҳар кимга лақаб қўйишлик.

● Таълим ва тарбия олимларидан Аҳмадхожа айтади:
— Халққа ҳамиша хайриҳоҳ, марҳаматли ва шафқатли бўлиш ҳар бир одам боласига лозимдир. Бирор кишининг ғойиб ва ҳозирлигида у одам эшитса, ранжийдиган сўзни асло сўзламаслиги, бирор кишига мусибат етса, ҳаргиз хурсанд бўлмаслиги, ҳаммага яхши муомалада бўлишлиги, муҳтожларнинг ҳожатларини чиқариш учун бир кучи билан ҳаракат қилиши керакдир. Ҳар бир кишининг сўзи ўз фазлининг далили ва ақлининг таржимонидир. Шунга кўра, ҳар бир кишининг фойдали сўзлар сўзлаши, беҳуда маъносиз сўзларни тилга олмаслиги лозимдир. Беҳуда, бўлмағур сўзлар яширин камчилик ва айбларни ошкор қилади. Душманларни уйқудан уйғотиб, адоватларини қўзғатади.
Байт:

**Ёмон сўз гоҳ сарғайтар юзингни,
Эгиб бошингни, телмиртар кўзингни.**

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ОЛИМ БЎЛСАНГ — ОЛАМ СЕНИКИ

Башорат қуёшга ўхшайди

Ақл-заковат кишилари инсонлар эҳтиёжи учун кўпдан-кўп янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар қилишади. Олимларнинг башоратларини эса қуёшга қиёс қилса бўлади. Зеро, қуёш албатта, оламга порлаб, ловиллаб, нур-зиё таратиб чиқаверади. Олимларнинг башоратлари ҳам маълум бир вақт ўтиши билан ёркин нур таратиб, ўз борлигини намоён қилади. Асримиз фани ана шундай кўплаб мўъжизалар яратмоқда.
Инсон ақлини ҳайратга солувчи мўъжизаларни яратаётган олимларга таҳсинлар ўқиймиз. Мен шу ўринда, бундан йигирма йил олдин айтилган бир илмий башорат тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.
Маълумки, жонажон Ўзбекистонимиз халқ хўжалиги ривожланган, юксак маданиятли ва илғор фанга айланди. Шу жумладан, геология фани ҳам равнақ топди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон геологларининг бир қанча илмий асарлари чет элларда ўқилмоқда. Шаҳримизда турли фанларга оид конференциялар, геологияга бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилаётгани ҳам фикримиз далилидир.
Ўзбекистон 1950 йилларга келиб, иттифоқимизда геология фани ривожланган илмий марказлардан бири даражасига кўтарилди. Мана шу даврда республика геологияси фанининг ривожланишига таниқли олим Ҳ. М. Абдуллаев ва унинг шогирдлари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Заҳматкаш олим, камтарин инсон ва устоз Иброҳим ака Ҳамробоев ҳам шулар жумласидандир.
Иброҳим ака ўзининг 1958 йили чоп этилган («Ғарбий Ўзбекистон магматизми ва ундан кейинги жараёнлар») асарида Ғарбий Ўзбекистон — республикамизнинг рангли маъданлар, вольфрам, қўрғошин, руҳ каби маъданларга жуда бой ўлка бўлиб қолишлигини башорат қилган эди.
Мана, қисқа давр ичида Ғарбий Ўзбекистон бағрида Мурунтов, Маржонбулоқ, Зармитон ва Учқулоч каби бир қанча рангли маъдан конлари ишга туширилмоқда. Булар, келажакда очиладиган ўнлаб конларнинг ва улар асосида бунёд этиладиган катта шаҳарларнинг дебочасидир, холос.
Иброҳим аканинг, рангли маъданли конлар Ўрта Осиё майдонини камар сингари ўраб ётади, деган илмий башорати амалда тасдиқланмоқда.
Мана бир ҳикоя: отрядимиз унча катта бўлмаса-да, айрим илмий муаммоларни дала шароитида ҳал қилишга қодир эди. Чунки, отрядимизда Олой тоғи табиий шароитидан хабардор, геология-минералогия фанлари доктори Рафқат Мусин, рангли маъданлар конларининг жойланиш қонуниятларининг билимдони Иброҳим аканинг ўзи ҳам иштирок қилардилар.
Отрядимиз июль ойи давомида Олой тоғининг бир неча жойларида бўлиб, у ерларда ҳам келажакда ишга тушиши керак бўлган катта рангли маъдан конларининг мавжудлиги даракчиларини топди. Натижада Ғарбий Ўзбекистоннинг рангли маъданлар «камар»ининг иккинчи учи қардош Қирғизистоннинг Олой тоғлари орқали шарққа ўтиб кетар экан, деган дастлабки хулоса чиқарилди. Шу майдонлардаги кўплаб конларнинг келажакда ишга туширилиши Ватанимиз халқ хўжалиги равнақига ҳамда илмий башоратга бой геологик фанимиз тараққиётига муҳим ҳиссалар қўшади.
Биз юқорида айтгандек, олиму-фозиллар хоҳ она-Ер қаърига, хоҳ узоқ коинотга қараб, ақл-заковат билан башорат қиладилар. Иброҳим ака Ҳамробоевнинг башоратлари ҳам қуёш каби ўз жамолини кўрсатди ва кўрсатмоқда. Бу башоратлар заминида она-Ватан бойлиги, шу она-Ватанга олимнинг буюк муҳаббати ва ўткир ақл-заковати мужассам бўлган.

Э. ИСКАНДАРОВ,
Ҳ. М. Абдуллаев номли Геология ва геофизика институтининг лаборатория мудири, геология-минеролог и я фанлари кандидати.

Шанба оқшоми

✦ ХАЗИНАЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА ✦ ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ✦ ТИЛШУНОСЛИК— ҚИЗИҚ ФАН ✦ ПАРРАНДАЛАР ОЛАМИНИ КУЗАТИБ

ЛЕНИНГРАД. «Луч» ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчилари ёритгич асбоблари тайёрлаш бўйича беш йиллик планларини муддатидан илгари адо этдилар. Қандиллар ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 марта ортди, ассортименти эса 60 процентга янгиланди.

СУРАТДА: бирлашма ишчиси Ирина Удальцова давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган буюмларни кўрсатмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

✦ ЗЕБОЛИК ҚОИДАЛАРИ

Меҳмон иззати билан...

Меҳмон ўзининг қанчалик одобли ва эътиқодли эканини хатти-ҳаракати, юриш-туришидаги энг майда, жузъий нарсалар билан ҳам сездириши мумкин. У ҳам бўлса меҳмондорчиликка борганда таом тановул этиш масаласи. Бу баъзилар ўйлагандек «майда масала» эмас. Ахлоқ ва одобга тааллуқли кўп гап бор бунда. Биласизми, овқат еганда кишининг ўзига сезилмайдиган, одат тусига кириб кетган хунук қилиқлари учраб туради, чунончи: «чапиллатиб» чайнаш, «хўриллатиб» ичиш, оғзи овқат ейиш билан банду, яна гапга аралашиш каби ножўя одатлар бўлади.
Қошиқ-вилкаларни идишга «шарақлатиб» уриб туриш, луқманинг каттароқ бўлакларига қўл чўзиш, тишлаган бўлакни охиригача емай қолдириб кетиш, ўз олдига ҳар хил овқатларни керагидан ортиқча тўплаб олиб, нишхўрд қолдириш, овқатланишда бошқаларга мутлақо эътибор бермай еявериш— буларнинг ҳаммаси хунук одатлардир. Шу хил қилиқ ва одатлар кимсанинг ўзига эп келгандек туюлса-да, аммо бу бошқаларнинг ғашига тегиши, асабини бузишини унутмаслик керак.
Ҳар ким овқатланиш одобига бир қадар эътибор берса яхши бўлади. Меҳмонга борганда ҳам, жамоат жойларида ҳам, ўз уйингизда ҳам қандай одоб билан овқатланишингизни бир текшириб кўринг.
Инсон ҳаддан ташқари кўп овқат еса ақлий ва жисмоний заифлик келтириб чиқаради. Тиббиёт тажрибасидан ҳам маълумки, маишатпараст одам тез қарийди, фикри ўтмасланиб атеросклероз касалига дучор бўлади, аъзоларида модда алмашинуви издан чиқади, меҳнат қобилиятини жуда эрта йўқотади.
Бир овқат ҳазм бўлмасдан туриб устига-устак пала-партиш овқатланиш — нодон кишининг иши. Буни қадимги алломалар жуда яхши таърифлашган. Мана, Абдуқодир Бедил шеъри:

**Бир табиб ёнига келиб бир инсон,
Демиш «Қорним қурқ-қур қилади чунон.
Ҳазм бўлмайди ҳеч еган овқатим».
Деди: «Хазм қилиб е-да, э, нодон!».**

XI асрнинг тарихчиси, буюк одобшунос олими, турмушнинг сон-саноқсиз «икир-чикир»ларигача ўрганиб қоидаларини аниқлаган Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг» асарида киши ўзини қандай тутиши, қандай овқатланиши тўғрисида ажойиб фикрлар айтган. Турли байтларнинг асосий мазмунини наср билан ва бирлаштириб иншо тарзида ифода қилсак, ушбу насиҳатлар ҳосил бўлади
«Бир тўйимли овқат ва ичимликни деб сен ўзингни беқадр қилмагин. Нафсни сақла, кишиларнинг пасти бўлма. Нафсинг учун нафсингнинг қули бўлма. Мен жуда кўп кўрганманки, қадр топган кишилар ҳам нафсини тия олмагани учун юз тубан кетдилар. Жуда кўп кўрганманки, элда улуғлик олган кишиларни ҳам нафси қул қилиб ер тишлатгандир. Кўп бойларни кўрдим, уларни ҳам нафси туткунлик қилди, улар ҳам хонавайрон бўлиб қашшоқлашиб қолдилар. Эй нафси ғолиб, сен нафсингга тутқин бўлма, нафс қопқонига илинсанг ундан қутилиб бўлмайди.
Сен қайси зиёфатга бўлса ҳам борадиган бўлсанг, билгинки, одоб билан овқат егин. Тартиб, қоидаларни билмайдиган, фаросатсиз, бадфеъл киши тартибли кишини кўрса боши гангийди. Сендан катта овқатга қўл сунса, ундан кейин сен қўл сун. Бошқа одам олдида турган нарсани чўзилиб олувчи бўлма, ўз қаршингга қўйилганини ол ва е. У ерда пичоқ ишлатма, сўнгак олма, зинҳор юҳо, бетоқат ва енгилтак бўлма. Нима олсанг тишла, майдалаб чайна, иссиқ ошни оғзинг билан пуфлама. Сен овқатни лаззатланиб егин, уй бекаси бу ҳолдан севинсин. Овқатни меъёри билан е, кўп овқат ема. Заковатли азиз киши сенга шундай таълим берадики: кўп овқат еювчиларнинг овқати бало бўлади, овқати бало киши эса доим дардманд бўлади. Дард томоғдан киради, демак нафсни эҳтиёт қил.
Иссиқлик ошса, дарҳол ўзингни совуқлик ичиб енгиллаштир, совуқлик ошадиган бўлса, иссиқлик билан тузат. Агар сен йигит ёшида бўлсангу, баҳор фасли бўлса, совуқлик нарсаларни истеъмол қилиб юр, бу— қонингни равон қилади. Ёшинг қирқдан ошган бўлса куз ойлари бўлса, сен ўз таъбингни иссиқлик нарсалар билан таъминла. Ёшинг олтмиш ва ундан ортиқ бўлса, қиш мавсуми бўлса, спра совуқлик истеъмол қилма. иссиқлик истеъмол қил. Инсонни ҳайвондан фарқлайдиган нарсалардан бири— ўз мижозига қараб овқат ейиш. Назар солсанг, табиблар яхши айтибдилар: киши овқатни оз еса саломат бўлади. Дарду касалликсиз сиҳат-саломат яшашни истасанг «Оз» деб аталган дорини истеъмол килиб яша. Ўз фароғатинг узоқ ва осойишта бўлишини истасанг «тил» деб аталган гўштни истеъмол қилиб яша».
Мана шу айтганларнинг қисқа мазмунини Алишер Навоийнинг ушбу ҳикмати билан якунласак бўлар:

**Иззат тиласанг, оз де,
Сиҳат тиласанг оз е.**

К. МАҲМУДОВ.

● *Сўз тагида сўз бор*

БИР ВАҚТЛАР ОҒИЗДАН ТУШМАСДИ

Тил шундай ижтимоий ҳодисаки, унинг луғат состави жамият тараққиёти билан, халқ хўжалигининг бениёс ривожланиши билан узлуксиз ўсиб боради: янги-янги тушунчалар, уларни ифодалайдиган сўзлар пайдо бўла боради, янги сўз ва терминлар туғила бошлайди, ўз вазифасини ўтай олмаган сўз ва тушунчалар архаиклашиб, истеъмолдан чиқа бошлайди. Бир вақтлар турмушимизда актив қўлланган талайгина сўзлар эндиликда унутилиб, адабий тилимизга бутунлай бегоналашди. Аммо кўп сонли ўзбек халқ шевалари, чунончи Фарғона шевалари луғатида бундай сўзлар аҳён-аҳёнда қўлланмоқда. Шулардан намуналар ўқийсиз.

Унутилган сўзлар

Тевази (Тошлоқ, Пислоқ, Лангар) —понага ўхшаш, оғирлиги уч-тўрт килограмм келадиган болта. Бу асбоб билан катта ва бутоқли палёнлар, улкан тўнкалар ёрилади.

Мичана (Волиқ) — Водилда юмшоқ резинкадан майда ва 30 — 40 сантиметрдан қилиб қирқилган, болаларнинг ўйини предмети маъносини билдиради ва «чўзма» деб аталади. Буни Тошкентимизда рогатка дейишади.

Бежа (Ёзёвон, Оқтепа) — йўловчиларнинг бир муддат тўхтаб ўтиб кетадиган жойи, бекати — остановкаси.

Мупто (Қува, Тошлоқ) — ёғочдан ясалган дарвозахона қулфининг ёғоч калити.

Туйғи (Янгиобод, Пиёзчилик, Риштон)— бўйра тўқиладиган ёғоч асбоб. Маълумки бўйра қамишнинг майдалаб тилинган ришталаридан тўқилади, бўйи уч-тўрт, эни икки-икки ярим метр бўлади. Буни том ёпишда похол ўрнига, уй ва масжидлар ичига полос сифатида солинади.

Латавун — лотувин (Чимён, Ҳалмиён) — бурунни тешиб тақиладиган зиракка ўхшаш тақинчоқ. Бу предметлардан ҳинд аёллари ҳозир ҳам фойдаланмоқдалар.

Чанҳў (Қизиласкар, Янгиҳаёт, Япағи) — иморатларнинг икки табақали рами— деразаси эмас, балки бир табақали рами, дарчаси. Бу рам уй ичига ёруғ тушсин учун шифтга яқинроқ қилиб, деворга ўрнатилади.

Рўпак (Қува, Толмозор, Бойқўрғон) — тегирмон ичини тозалашда ишлатиладиган жун супургича. Буни Водилда пўпак дейишади.

Сўйка (Шоҳимардон, Пулгон) — зира (тоғ ўсимлиги, зиравор).

Чўғол (Болтақўл, Оқтепа) — ёлғончи: чўғол — чўғолнинг тили лол (маталдан).

Шакала (Риштон, Сўх) — болалар дўпписининг бир тури. Бу дўппининг нусхаси оқиш ва қулранг бўздан, сурпдан бўлади, гули тикув машинасида тикилади.

Шўвина (Кўкдала, Қизиласкар) — ипни эшиб, бирлаштириб, арқон даражасига келтирилгунгача бўлган ҳолат. Уч йўналишдаги ўртача йўғонликдаги каноп — ип бирлаштирилгач, арқон ҳосил бўлади. Бундай арқонлар аксарият эчки жунидан тайёрланади.

Тўлим (Қува, Туркварот, Риштон, Қирғиз қишлоқ) — бу фақат лойдан ясалган рўзғор асбоби бўлиб, тағи коса кенглигида, оғзи бир оз кенгроқ, қорни катта, икки қулоқлик хумча. Бунда гўшт тузлаш мумкин.

Хампа (Толмозор, Ўрда)— буғдой, арпа, шоли сақланадиган жой. Хампа бино ичида жойлаштирилади, шоли полизига ўхшатиб квадратларга бўлинган деворчалардан иборат.

Ҳ. УЗОҚОВ,
филология фанлари кандидати.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

СЕДАНА ҚАНДАЙ ЎСИМЛИК?

Ҳурматли редакция! Седана ўсимлиги, унинг хосиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

М. ЗОИРОВ,
Якубовский кўчасида истиқомат қилувчи.

●

Седана—айиқтовондошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20 — 75 сантиметр келадиган бир йиллик ўсимликдир. У Ўрта ер денгизи атрофидан тарқалган бўлиб, СССРнинг жануби-ғарбий районларида, Кавказ ва Ўрта Осиёда учрайди. Шу жумладан, СССР доирасида тарқалган ўн битта туридан тўрттаси Ўзбекистон территориясида ўсади. Шундан экиладиган нигелла сатива седана тури бўлиб, унинг барги жуда машҳурдир, чунки у ҳидли ва ёғли, қорамтир-қўнғир. Уруғи учун кўп экилади.
Седананинг гуллари йирик, оч зангори тусли, поя ва шохларининг учида алоҳида-алоҳида жойлашган. Меваси— баргча. Уруғи майда, уч қиррали, бурушган-чуқурчали, оч қўнғир рангга бўялган. Май-июнь ойларида гуллайди ва меваси июль-августда пишиб етилади. Унинг хушбўй уруғида эфир мойи, ёғ, мелантин ва аччиқ нигеллин глюкозидлари бор. Седанадан ёпган нон пиширишда, карам ва бодринг тузлашда ҳамда зооветеринарияда ҳайвонларни даволашда қўлланилади.
Седана ўсимлиги меваси пишишига яқин ўриб олинади, кейин қуритиб, янчиб, элаб уруғи ажратилади. Буюк олим Абу Али ибн Сино седанани бош оғриқ, юздаги нервнинг фалаж бўлиб қолиши, кўзнинг катаракта касаллиги, буйрактош касалликларини даволашда қўллаган.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

БИЛАСИЗМИ?

Қайси ҳайвон дадил?

Хавф-хатарга дуч келганда ҳайвонлар ҳам одамларга ўхшаб ўзларини турлича ҳис қиладилар. Масалан, баъзи ҳайвонларнинг илонга дуч келиб қолишини олайлик. Қушлар илон қаршисида ўзларини ҳийла тетик тутади, уни бемалол бориб чўқийверади. Қирғовул, қарға, товуқларга-ку илон гўштидан мазалироқ овқат йўқ. Типратиканлар эса «игнали пўстин»лари туфайли илондан мутлақо тап тортмайди. Тумшуғи ҳам, игнаси ҳам йўқларнинг эса чангаллари иш бериши мумкин. Чунончи, мушуклар ҳар қандай илонга ҳам бас келаверади, айниқса заҳарли илонлар билан астойдил олишиб, доим ғолиб келади.
Итларнинг баъзилари илонни кўрган ҳамон думини қисиб, орқасига қарамай қочиб қолади. Бошқалари эса ўша заҳоти, илон ўзига келишга улгурмасданоқ унга ташланади. Сассиқ кузан, сувсар каби жониворлар олдин илоннинг ғашига тегиб, оёқларини дам узатиб, дам тортиб олиб душманини роса гиж-гижлайди. Бу пайтда илон бор заҳарини сарфлаб ҳолдан кетади, шекилли, кейинги «жанг» мутлақо хавфсиз бўлади. Айёрлик ҳам ўзига хос қурол экан-да.

ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

«СССР—МЕНИНГ ВАТАНИМ» КРОССВОРДИ



Энига: 3. Краснодар ўлкасидаги курорт шаҳар. 4. Кавказдаги чўққи. 9. Грузиядаги шаҳар. 10. Ўрта Осиёдаги чўл. 11. Жанубий Қозоғистондаги тоғ. 13. Ватанимизнинг шимоли-шарқидаги ярим орол. 17. Адигея автоном области маркази. 18. Космонавт учувчи. 19. Тожикистон пойтахти. 20. Халқаро кенглик станцияси жойлашган район.
Бўйига: 1. Ангара бўйидаги шаҳар. 2. Озарбайжондаги ярим орол. 5. Ўрта Осиёдаги пастекислик. 6. Ўзбекистон хотин-қизлари журнали. 7. Ставрополь ўлкасидаги автоном область. 8. Мамлакатимизнинг энг жанубий шаҳри. 12. Ойда илмий ишлар олиб борган космик кема. 14. СССРдаги кўл. 15. Автоном республика. 16. Қорақалпоғистон АССР пойтахти.

Тузувчи: **Ф. ОРИПОВ.**

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси ташкил этган «Меҳнат муҳофазаси —80» кўчма тематик кўргазмаси Самарқандда ўз экспозициясини намойиш қилмоқда. Кўргазма экспонатлари меҳнаткаш инсон тўғрисида, унинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида Коммунистик партия ва совет давлати жуда катта ғамхўрлик қилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.
Кўргазма стендлари Тошкент тўқимачилик комбинатида янги калава бўяш ва қуритиш автоматлари меҳнатни енгиллаштирганлиги, ишлаб чиқариш маданиятини оширганлиги, Фарғонадаги 9-автомобиль паркида машиналарни ювиш учун махсус установка ишга туширилганлиги, бошқа кўплаб қизиқарли янгиликларни ёрқин намойиш қилади.

(ЎзТАГ).

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Оғзимни мойламасанг, аризангга қўл қўя олмайман.

— Ботинкамнинг ипини боғлаб бўлдингми, ўғлим, қорин катталигидан кўрмаяпман.

Телефон кутаётганлар: — Бай-бай.бай, бу турқи совуқ намунча кўп гапиради.

Л. Абдуллаев расмлари.

Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Г. РАҲИМОВА: Икки йиллик меҳнат стажига эгаман. Ҳозир ҳомиладорлик отпускасидаман. Фарзандим туғилгандан кейин менга неча кунга отпуска беришади? Баъзилар фарзандингиз бир ёшга тўлгунча ўртача иш ҳақингиз сақланиб қолган ҳолда отпуска олишингиз мумкин дейишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра ҳомиладор аёлларга кўзи ёригунга қадар 56 кун, кўзи ёригандан кейин ҳам 56 кун миқдорида отпуска берилади. Бу кунлар учун шу аёлнинг меҳнат стажи неча йиллигидан қатъий назар ўртача иш ҳақи тўланади. Эгизак фарзанд кўрганларга 72 кун миқдорида отпуска берилади.

Кўзи ёриган аёллар фарзандини боғчага жойлаш имконига эга бўлмасалар, бир йилга қадар ўз ҳисобидан отпуска олишлари мумкин. Бу муддат уларнинг умумий меҳнат стажига қўшилади.

* * *

Ғ. БОБОЖОНОВ: Шу йил Қўқон автомобиль-йўл техникумини битириб, йўлланма билан «Таштрансспецстрой»га қарашли 72-қурилиш бошқармасига ишга келдим. Эшитишимга қараганда менга ўхшаган ёш мутахассисларга ёрдам пули берилар экан. Бу ёрдам қандай тартибда ва қанча миқдорда берилади?

Жавоб: Меҳнат қонунлари Кодексида кўрсатилишича, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларини битириб, йўлланма билан ишга юборилган ёш мутахассисларга иш жойига етиб олиш учун сарфланган йўлкира ва юкларни еткизиб олиш учун, шунингдек, йўлда озиқ-овқат учун сарфланган харажат пуллари тўланади.

Айни пайтда ёш мутахассисларга йўлланма берилган ташкилотда белгиланган бир ойлик окладининг ярми миқдорида ёрдам пули берилади.

* * *

А. АКБАРОВ: Мени бир масала, яъни ишдан бўшаган кишининг меҳнат дафтарчасидан олинган кўчирмани ким тасдиқлаши қизиқтиради. Чунки меҳнат дафтарчамдан олинган кўчирмани нотариал контора ходимлари тасдиқлашмади. Шу тўғрими?

Жавоб: Тўғри. Меҳнат дафтарчаларини тўлдириш, сақлаш ҳақидаги тартибга кўра, меҳнат дафтарчаларидан олинган кўчирмаларни фақат ишчи ёки ходим ишлаб турган корхона, ташкилотнинг кадрлар бўлими тасдиқлаши лозим. Бинобарин, Сиз ҳам меҳнат дафтарчангиздан олинган кўчирмани тасдиқлатиш учун охирги иш жойингиздаги кадрлар бўлимига учрашинг. Бу хизмат нотариал контораларнинг вазифаси доирасига кирмайди.

* * *

П. МЎМИНОВА: Ўғлим 1940 йилда Қизил Армия сафига чақирилган эди. 1943 йилда унинг жангда ҳалок бўлганлиги ҳақида қора хат олганман. Айтингчи, мен Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлганларнинг оиласи учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?

Жавоб: Агар ўғлингиз учун нафақа олаётган бўлсангиз, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг оилалари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланишингиз мумкин. Борди-ю, ҳалок бўлган ўғлингиз учун нафақа тайинланмаган бўлса, бу имтиёзлардан фойдалана олмайсиз. Тартибда шундай белгиланган.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕЛЕ ВИДЕ НИЕ

Ҳафталик программа

29 ДЕКАБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Маша ва Витянинг янги йил саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.40 «Шеърлар ва пўлат излар». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.10 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси: «Социализм дунёси» (ЧССР), «Кведлинбург шаҳрининг кўринишлари» (ГДР), «Айиқ гори» (РСР), «Театр» (Куба). 15.55 «Онамларнинг мактаби». 16.25 Румыния Социалистик Республикаси артистларининг концерти. 16.55 «Фан оламида». 17.40 «Ёшлар адреслари».

18.40 «Ёқутистон кундалигидан». Телевизион очерк. 19.10 «Чўчқабоқар». Мультфильм. 19.30 «Балет лавҳалари». Фильм-концерт. 19.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. Белоруссия ССР телевидениесининг программаси. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков сўзи. «Биз яшаётган ер». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Театр учрашувлари. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Красногорская Лижня» чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Эркаклар. 15 км. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Қор аёл». Мультфильм. 17.55 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида».

18.25 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.00 «Тошкент Янги йил арафасида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Карвонбошилар». Ўнинчи беш йиллик илғорлари ҳақида телеочерк. 20.05 «Янги йил мушоираси». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ҳуррият Исроилова куйлайди». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бу озод дунё». Ҳужжатли фильм. Ўзбекистон телевидениесининг халқаро масалалар бўйича шарҳловчиси Б. Қоратоевнинг кириш сўзи билан бошланади. 23.20 Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. Олий лига. «Динамо» (Тошкент) — «Политехник» (Одесса). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильмлар. 21.00 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.). 21.30 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм. 1-серия.

30 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Электрониканинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Қочиш». 1-серия. 11.20 «Ҳайвонот оламида». 12.20 «В. Назов (баян) ва О. Глухов (балалайка) ижро этадилар. 12.50 Адабий ўқиш. М. Пришвин. «Табиат календари». 13.30 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР ташкил топганлигининг 58 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 А. Линдгрен. «Кичкинтой ва томда яшайдиган Карлсон ҳақида». Москва сатира театрининг фильм-спектакли. 17.25 «Красногорская лижня». Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Аёллар. 10 км.

17.55 Иттифоқдош республикалар санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.45 «Романс». Киноловҳа. 19.55 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Мимино». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. Танаффус пайтида (23.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Зоркий» (Красногорск) — АСК (Свердловск). 2-тайм. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов билан учрашуви. 12.00 Телевидение экранида биринчи марта. «Маринка, Янка ва қирол қалъасининг сирлари». Бадиий фильм. (рус.).

13.25 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Х. Саъдиев.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Типратикон қандай қилиб пўстинини ўзгартирди». Мультфильм.

18.00 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.20 «Куйловчи расмлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.45 Врач маслаҳатлари. 18.55 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК. 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Наштар» ҳажвий киножурнали— бизнинг меҳмонимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Телевизион театр. Л. Зорин. «Бир эркак ва саккиз аёл». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Шустрик ва Мямликнинг янги йил туши» (рус.). 21.05 «Жанговар постда». 21.35 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм 2-серия.

31 ДЕКАБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Электрониканинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «6 «б» сири». 2-серия. «Кучук станлаган бола». 3-серия. 12.15 Космос ҳақидаги ҳужжатли фильмлар программаси. 12.55 К. Хачатуряннинг «Чиполлино» балети. Т. Шевченко номли Украина ССР Давлат академик опера ва балет театрининг спектакли. 14.45 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 15.30 Янгиликлар. 15.45 «Қиш акварелларі». Музикали эртак. 16.15 Болалар учун. «Мўъжиза кутиб». Бадиий фильм. 17.25 «Буратино кўргазмаси». 17.55 Халқ оҳанглари.

18.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Буюк китоб боблари». 5-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. 20.00 Жаҳон халқлари ижоди. 20.45 «Грузия фильм» киностудияси қисқа метражли телевизион бадиий фильмлари премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Муздаги бал». Фигурали учиш усталари ва болалар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг чиқишлари. 23.15 «Цирк майдонида». 00.15 Совет қўшиқларидан концерт. 00.40 «Мамлакатим менинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.50 «ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН, ЎРТОҚЛАР!». Совет халқига табрик. 01.05 «Голубой огонёк». Кўрсатув тугагач—Эстрада артистларининг концерти.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 12.30 Телевидение экранида биринчи марта «Она». Фильм-эртак (рус.). 13.55 «Совет киноси усталари». Евгений Леонов.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тимошканинг арчаси». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Янги йилни қутлаймиз». 19.05 «Ахборот» (рус.). 19.20 «Янги йил билан». Фильм-концерт. 19.30 «Янги йил дарси». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Цирк, цирк, цирк». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Янги йил оқшомида». Байрам музикали программаси. 23.45 «Янги йил табриги». 00.05 «Янги йил оқшомида». Байрам музикали программаси (давоми). Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Арча ўрмонда қолди». Телефильм. 20.35 «Телеграммалар, телеграммалар, телеграммалар...» Фильм-концерт. 21.35 Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 22.00 «Бахт кулиб боққанда». Кинокомедия.

1 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «Болалик». Ҳужжатли фильм. 10.05 «Қойилмақом Фердинанд». Кўп серияли мультфильм премьераси. 1, 2, 3-сериялар (Польша). 10.35 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 11.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Карлик — Бурун». Телевизион бадиий фильм. 13.00 Қувноқ нотачалар». Останкино концерт студияси ёш вокалистлар конкурси. 13.50 Куба телевидениесининг Куба революциясининг 22 йиллигига бағишланган программаси. 15.20 «Муюлишдан сўнг нима бор?». Телевизион бадиий фильм премьераси, 1-серия. 16.25 «Таймир устида қуёш». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 16.45 Мультфильмлар программаси. 17.30 «Яхмаланда». Хореографик сюита. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, СССР халқ артисти И. Моисеев раҳбарлигидаги ССР Иттифоқи Давлат халқ рақслари ансамбли ижро этади. 17.50 «Қиш лавҳалари». Рус ва совет шоирларининг шеърлари. Фильм-концерт.

18.20 П. Чайковский. Торли оркестр учун серенада. 18.55 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 19.15 Останкино концерт студиясида «1980 йил қўшиқлари» кечаси. 21.30 «Время». 22.25 «Ғариб гусар ҳақида бир нарса денг». Телевизион бадиий фильм премьераси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

21.25 А. Цагарели. «Ханума». М. Горький номли Ленинград Давлат академик Большой драма театрининг фильм-спектакли. Танаффус пайтида — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 «Галия Измайлова рақсга тушади». Фильм-концерт. 10.35 Куба революциясининг 22 йиллигига. «Буэнос компаньерос». Телефильм. 10.55 Тўлқин, С. Бобоев. «Олтин камар». Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

12.50 «Қиш эртаги». Концерт (рус.). 13.30 «Аёз бобо». Бадиий фильм. 14.50 «8+1». «Лола» вокал-чолғу ансамбли иштирокида эстрада программаси. 15.40 «Бизни танлайдиган роллар». Фильм-концерт.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қаёқдасан, Қорбобо». Мультфильм. 18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Байрамимиз кўркисан, гўзал арчажон». 19.10 «Музикали детектив». Фильм-концерт. 20.00 «Ахборот» (ўзб., рус.). 20.20 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. Янги программа. 21.20 «Муз, қор, спорт». Ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Тўйлар муборак». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.10 «Денгиз бўйидаги музей». Телефильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 «Қорли қалъа коменданти». Телеспектакль (рус.). 21.20 «Қорли жилолар». Фильм-концерт. 21.45 «Қўшниңгга кулиб боқ». Музикали телефильм (рус.).

2 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «АБГДейка». 10.35 «Қойилмақом Фердинанд». Кўп серияли мультфильм премьераси. 4, 5, 6-сериялар. 11.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.35 «Табассум». Томошабинларнинг хатлари асосида музикали программа. 12.20 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Ҳаво десанти қўшинлари ветеранларининг учрашуви. 13.45 «Очиқ ҳаводаги музей». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Муюлишдан сўнг нима бор?». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 16.20 «Балли, қизлар».

17.50 Телевизион музикали фильм премьераси. 19.15 «Кўҳна янги йил». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Мўъжизакор лаҳзаларни эслайман». Фильм-концерт премьераси. 22.55 Иоганн Штраус куйлари. ГДРдан олиб кўрсатилади. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

20.35 Лопе де Вега. «Рақс ўқитувчиси». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Янги йил дарси». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.10 Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. (Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

12.10 «Этик кийган мушук». И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 13.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Министр бўлишни истайман». Бадиий фильм (рус.). 15.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Йилимиз юлдузлари».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ҳеч ким кутмаган айиқча ҳақида». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Янги йил арчаси атрофида». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Олди-қочдига ўхшаш ғаройиб воқеалар». Кинокўрсатув. 20.00 «Ахборот». 20.20 «Қўшиқ айтган етар муродга». Конкурс программаси. 3-кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради». Кинокомедия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильмлар. 21.00 «Ҳаммасига Залина айбдор». Телевизион бадиий фильм (рус.).

3 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Здоровье» программасининг почтаси». 12.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.45 «Спортлото»нинг 1-тиражи. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». «СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 — 1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ. 14.00 «Музикали киоск». 14.30 Ёшлар ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Аугсбургдан олиб кўрсатилади. (ГФР). 16.15 «Биз, руставиликлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Шаҳарлар ва одамлар». туркумидан. 16.50 «Айёр типратикон». СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий қўғирчоқ театри фильм спектаклининг премьераси.

18.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.00 Мультфильмлар программаси. 19.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. «Янги беш йилликка кира туриб». 20.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ асбоблари оркестрининг концерти. 20.25 «Адам Евага уйланади». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.30 «Время». 22.05 «Адам Евага уйланади». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 Балет артистларининг концерти. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.15 «Фан оламида». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Чанғида трамплиндан сакраш бўйича Халқаро мусобақалар. ГФРдан олиб кўрсатилади. 23.45 «Русская зима» санъат фестивалининг концерти. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Ўзбекистон колхози «Феруза» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 10.50 Энергетиклар кунига бағишланган кўрсатув (такрорий).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

12.15 «Қувноқ стартлар». 13.15 «Антошка ва гармошка». Жамбул театрининг спектакли (рус.). 14.15 «Шахмат мактаби».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт. 18.45 Болалар учун. «Бойчечак». 19.15 «Айиқларни санашга борамиз». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Чет эл эстрадаси концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Келди-ю кетди». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Навбатдан ташқари ўйин». Телевизон бадиий фильм. 19.00 «Менинг мулоҳазам». КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА (тожик тилида). 19.20 «Эртакдек, эртак». Фильм-концерт. 20.20 «Ахбор». 20.40 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 ЯНВАРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси. 10.35 Болалар учун. «Травканинг саргузаштлари». 11.45 Ёшлар ҳақида қўшиқлар. 12.20 «Монолог». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.50 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси.

15.50 Бирма мустақиллиги кунига. Бирма халқ рақс ансамблининг концерти. 16.20 «Телестадион». 16.50 «Дунё бўйлаб 80 кун». Кўп серияли мультфильм премьераси. 1, 2-сериялар (Австралия). 17.35 «МОСКВАЛИКЛАР — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА».

18.05 «Бу хаёлий дунё». Мактаб ўқувчилари учун адабий викторина. 19.15 «Ғалаба ранги». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 19.35 «Советлар ва ҳаёт». 20.05 «Муҳаббат ҳақида ҳикоялар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Совет қўшиқчилари Миланнинг «Ла Скала» театри саҳнасида.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «9-студия». Сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Конькида югуриш бўйича СССР чемпионати. Кўпкураш. Хотин-қизлар. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 «Қор тегирмон». Мультфильм. 11.50 «Хайратга солувчи Берендеев». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хат ташувчи қорбола». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.10 «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият мухлисларига». З. Обидов. 20.00 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот» 20.50 «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ҳамроқулов ва Навоий номли Давлат академик Катта театри солисти Н. Ўрозова концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Қиз ўғирлаш». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

19.20 «Экспромт». Телефильм. 19.30 «Партия планлари — халқ планлари». 20.00 «Олатов». Информацион программа (рус.). 20.15 «Карпат рапсодияси». Телефильм. 20.30 «Олатов». Информацион программа (қирғиз тилида). 20.45 «Бир актёр экрани». Қирғизистон ССР халқ артисти Б. Алиев. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 28/XII да **Нодира бегим** (12.00), **Абу Райҳон Беруний** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕЙДОСКОП» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (13, 16, 19.30).

КИНО

27, 28 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ЕРДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАЁТ ҚОНУНИ»— **Москва.**

«О, СПОРТ, СЕН ҚУВОНЧИМСАН»— **Фестиваль.**

«ИЖОДКОР МИЛЛИОНЛАР» — **Чайка.**

«ЁШ ОВОЗЛАР» — **Улуғбек.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» (катта зал, 11, 13.30, 16.10 19.00), «ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» (кичик зал, 12, 15, 18.00):— **Санъат саройи** (телефон 44-39-51).

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР»— **Қозоғистон** (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» (2 серия) — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва сараб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар, электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрлар, санитарка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

1 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ — КОНКУРСИНИНГ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Гулсара ЁҚУБОВА

СОЛИСТЛАР:

Ортиқ ОТАЖОНОВ

Опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУЙЕРБОЕВАЛАР, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза СОЛИҲОВА, Мавжуда БАХРИЕВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани—Ўғилжон ИБОДУЛЛАЕВА ва Зуҳра ТЕМИРОВА олиб борадилар.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА

Музика раҳбари —Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.

ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТУРИСТ

Тошкент область туризм ва саёҳатлар совети

юқори синф ўқувчиларини қишки каникулларини

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАСИДА ЎТКАЗИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

База Чотқол тизма тоғларининг жануби-шарқий ёнбағрида, Катта сой тоғ дарёси дарасида, Янгиобод шаҳридан 3 километр нарида жойлашган.

Номерлар 2 ва 3 ўринлидир. Кафе-ошхонада овқатланилади. Турбазада туристик анжомлар ва спорт инвентарлари олиш мумкин бўлган прокат пункти мавжуд. Чанғи ва чаналарда учиш ташкил қилинади. Кутубхона, клуб ишлаб туради.

Беш кунлик путёвка қиймати—28 сўм, 10 кунликка—55 сўм.

Турбазагача бориш харажати путёвка қийматига кирмайди.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефонлар 33-67-03, 33-10-55.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ЯНГИ ЙИЛ ЯҚИНЛАШГАН САРИ БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ СОТИБ ОЛИШДЕК ҚУВОНЧЛИ ТАШВИШЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА

АГАРДА СИЗ «СЕРВИЗ» АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДАГИ КЎПГИНА ИШ ВА ТАШВИШЛАРИНГИЗ АНЧА ЕНГИЛЛАШАДИ.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ТАШҚАРИГА ЁКИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИГА ЖЎНАБ КЕТУВЧИ ЙЎЛОВЧИЛАРГА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ЯНА БИР СОВҒАДИР.

«СЕРВИС» агентлигининг исталган қабул пунктидан Сиз мамлакатимизнинг ҳамма йўналишлари бўйлаб авиабилетлари харид қилаолишингиз мумкин.

«СЕРВИС» агентлиги Янги йилда саёҳат ишқибозлари учун энг ҳушманзара жойларга туристик путевкалар тавсия этади.

ОЛДИНДАН БЕРИЛАДИГАН БУЮРТМАЛАР «СЕРВИС» АГЕНТЛИГИНИНГ ҲАММА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИ:

1 — Марказий агентлик, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти.
2 — Горький проспекти, 48-«Светлана».
3 — Навоий кўчаси, 38-уй. «Хадра».
4 — Чилонзор, 3-квартал, Маиший хизмат уйи.
5 — Луначарское шоссеси, 115-уй. «Саёҳат» меҳмонхонаси.
6 — Навоий кўчаси, 7-уй, «Дўстлик» меҳмонхонаси.
7 — Студентлар шаҳарчаси, Чимбой кўчаси, «Райҳон» ошхонаси.
8 — Луначарское шоссеси, 1-автобуснинг охирги бекати, («Ташавтомаш»).
9 — «Височовольтний» массиви, 82-уй.
10 — «Ленинград» меҳмонхонаси — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти.
11 — Спутник турар жой массиви, Сергели райони, Марказ — 3, 5-уй.
12 — «Тошкент автовокзали», («Собир Раҳимов» метро станцияси).
13 — Авиасозлар шаҳарчаси, 4-квартал, Лисунов кўчаси, 9-уй.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ХОДИМЛАРИ СИЗЛАРГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН 1981 ЙИЛДА ЯХШИ ҚУВОНЧ-КАЙФИЯТ ТИЛАЙДИЛАР.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

27 ДЕКАБРЬ—ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.25 СССР халқ артисти И. Архипова концерти. Программада: П. И. Чайковский романслари. 19.10 «9-студия». 20.10 «Дульсинея Тобосская» Телевизион бадиий фильм премьераси 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Дульсинея Тобосская» Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Драматик актёрлар куйлайди. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 «Қоратовуқ». «Сеҳрли қуш». Мультфильмлар. 18.30 «До-ре-ми-фасол». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.00 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Ф. Исломова, С. Назирова, ва Р. Бўронова иштирокида лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қўшиқ айтган етар муродга». 2-музикали кўрсатув (такрорий). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

28 ДЕКАБРЬ—ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 12.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». «СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ. 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Таваккалчилик стратегияси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.40 «Менинг шаҳрим». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан. 16.10 «Трям, салом». Мультфильм. 16.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.30 «Меҳнат ветеранлари, Сизлар учун». Концерт.

18.30 «Халқаро панорама». 19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси эстрада симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазия. 19.40 «Чин қалбдан». Киров область Кирово-Чепец райони қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 «Москва Олимпиадасининг юлдузлари». Якунловчи кўрсатув. 22.35 Футбол шарҳи. Кўрсатув тугагач—Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

21.45 «Звездочёт». Телевизион журнал. 22.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Спартак» (Москва области).—ТТБ (Рига). Свердловскдан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 VI Республика пианистлар конкурси дипломантлари ва лауреатларининг якунловчи концерти. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган (давоми). 10.50 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор». 11.50 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». 13.00 «Тиниб тинчимаган қариллар». Бадиий фильм. 14.30 «Шахмат мактаби». 15.00 «Ота-оналар университети». 15.30 «Реклама».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Билмасвой—шоир», «Билмасвой—созанда». Мультфильмлар. 19.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Санъаткор оила». Музикали программа. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Санъаткор оила». Музикали программа (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қишлов — масъулиятли давр». Чорвадорлар учун кўрсатув. 22.25 «Ватанни қўмсаб». Бадиий фильм.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; савдо 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83: совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19: фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95: спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.